



ТО'ЛОҚШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (13.932)

Баҳоси эркин нарҳда

ИННОВАЦИОН ҲОЯЛАРНИ ИЛМ-ФАН ВА САНОАТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ – ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 24 май куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Талабалар шаҳарчасига борди. Бу ерда ҳар йили минглаб ёш мутахассис ҳаётга йўлланма олади.

Жорий йилда Талабалар шаҳарчасида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўл ва йўлақлар ташмирланиб, ёритиш устунлари, ўриндиқлар ўрнатилди, 400 ўринли автотурагоҳ қурилди. Худудга кўп йиллик ва мавсумий гуллар, манзарали даракт кўчатлари ўтказилди.

Бугунги кунда Талабалар шаҳарчасида Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Исроом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази бинолари, коллеж ва лицейлар, спорт мажмуалари жойлашган. Икки университетда қариб 25 минг талаба таъхил олади.

Президентимиз ташаббуси билан шаҳарча ҳудудининг бошланғич, "Беруний" метро бекати ёнида Беруний майдони барпо этилди. Абу Райҳон Берунийнинг Техника университети олдидаги ҳайкали шу ерга қўчирилиб, атрофи ободонлаштирилди. Булар ўзига ҳос мажмуа ҳосил қилиб, Талабалар шаҳарчаси илмий салоҳиятини яна бир рамзи бўлди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда олиб борилган ишларни кўздан кечириди. Аллома ҳайкалининг Талабалар шаҳарчаси остонасига қўйилиши мамлакатимизда илм-фанга қаратилаётган эътибор рамзи бўлиб, бугунги ёшларда улўғ аж-доқлар билан фахрланиш туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз 2017 йил 2 декабрь куни Инновацион ривожланиш вазирлиги биноси курилши билан танишиб, мамлакатимизда етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан зарур қўрсатмалар берган эди. Бугунги кунда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли йўналишларини аниқлаш, ҳорининг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ихтисослашган илмий-экспериментал лабораториялар, технопарклар ва бошқа инновацион тузилмалар ташкил этиш, замонавий илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан тизимли чора-тадбирларни кўрмоқда.

Вазирликда иқтисодий тармоқларнинг инновацион эҳти-ёлларини ўрганиш, ёшлар инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш хизматлари, масофавий таълим курслари йўлга қўйилди. Янги ишланма ва технологиялар намойиши, стартап лойиҳалар иқтидорли ёшларда илмий-тадқиқот кўник-маларини шакллантиришда ёрдам беради.

Бинонинг биринчи қаватида кутубхона, амфитеатр, холл, кўрғазмалар зали жойлашади. Юқори қаватларда ковор-кинг ва стартап худудлар, интернет лабораториялар, анжу-манлар заллари бўлади. Аэрокосмик лаборатория, устахо-на, реклама агентлиги ҳам ташкил этилади.

Вазирлик бежиз Талабалар шаҳарчасига жойлаштир-мадик. Бу ердаги олий ўқув юрталарида минглаб иқтидорли ёшлар, тадқиқотчилар, олимлар илмий иш билан машғул. Уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир соҳада янгилик яратиш керак. Инновацион ривожланиш ва-зирлиги бу борада илмий марказ, база бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Вазирлик боғининг дизайни ҳам янгича асосда ишлаб чиқилган бўлиб, бу ерга келганлар миниатюралар иннова-циялар билан танишиш имконига эга бўлади. Боққа интер-нет тармоғига эга ўриндиқлар, қўш панелли ёриткичлар, ҳаво тозалаш устунлари, мобил ускуналарни қувватловчи қурилмалар ўрнатилди, брусчатка йўлақлар тунда ўзини ўзи ёритади.

Шу ерда вазирлик ва Жараёнларни автоматлаштириш миллий ассоциацияси – NAPA томонидан ҳорижий марказ-лар билан ҳамкорликда ташкил этилиши режалаштирилган инновацион технопарк таъдироти бўлиб ўтди.

Ушбу технопаркда ахборот-коммуникация технологияла-рини ўрганаётган ва бу соҳада ишлаётганлар учун иннова-цион ғояларини илгари суриш имкониятларини кенгайти-риш мақсадида мақбул муҳит ва инфратузилма яратилади.

Янги технологиялар яратиш ва трансфер қилиш учун вазирликка қўмақчи сифатида "NAPA Team" масъулияти чек-ланган жамияти ташкил этилмоқда. Ушбу корхона иннова-цион ғояларни пишийтиб, уларни стартап маҳсулотга айлан-тиради ва келгусида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналти-ради. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу фаолиятдан йилга 1 миллион долларлик экспорт даромади қўриш кўзда ту-тилмоқда.

Президентимиз инновацион ғоялар ўз ўзидан ишлаб чи-қаришга етиб бормаслигини, бунинг учун маблағ, харидор топиш заруриятини таъкидлади. Хитойнинг "Huawei" ком-панисини билан ҳамкорликда таъдирдан ўтган инноваци-онлари жалб этиш, ҳорижда иш юритаётган салоҳиятли тад-қиқотчиларни чақириб ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича зарур топшириқлар берди.

Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий универси-тетиде Президентимиз олий таълим соҳасини янада риво-жлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар, маз-кур олий таълим даргоҳини ривожлантириш бўйича усту-вор йўналишлар таъдироти билан танишди.

Кадрлар тайёрлаш соҳалари таркибий тузилиши лойиҳа-сида ёшларни олий ўқув юрталарига янада кўпроқ қама-раб олиш бўйича батафсил маълумот берилди. 2018-2019 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юрталарига 96 минг 950 талаба қабул қилинган бўлса, 2019-2020 ўқув йилида 123 минг 170 нафар илгит-қўш ўқиниша жалб этилади. Бу қўрсат-кини 2022-2023 ўқув йилида 180 мингга етказиш режа-лаштирилган.

Олий таълимга инновация инвестицияларини – ҳорижий таълим-илм технологияларини жалб этиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда юртимизда Россиянинг 2, Жанубий Кореянинг 2, Латвия-нинг 1 олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этил-ди. Жорий йилда Ҳиндистоннинг 2, Россиянинг 2 ва АҚШ-нинг 1 олий таълим муассасаси филиали талабаларни қабул қилади. Улардаги таълим жараёнига 832 нафар ҳорижий мутахассис жалб этилган.

Президентимизга мутахассис-техник кадрлар тайёрлаш, таълим мазмунини компетенциялар (амалий кўникмалар) асосида тўдан ўзгариштириш, педагогик таълимнинг янги мо-делини жорий этиш, олий таълим муассасалари фаолиятини "Университет – 3.0" концепцияси асосида ташкил этиш, АКТ ва таълим технологиялари интеграциясини таъминлаш лойиҳаларини бўйича маълумот берилди.

Бизга сон эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса ҳориж таъдиротини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат

кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган таъдирот асосида кадрлар тайёрлаш ти-зимини йўлга қўйиш энг муҳим вазафамиздир, деди давла-тимиз раҳбари.

Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий универси-тети илмий-педагогик фаолияти ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид режалар таъдироти ҳам ўтказилди. Беш йиллик комплекс дастур ишлаб чиқиб, университет фаолиятини ривожлантириш ва унинг халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Университет ҳузуридаги лицейни таъдироти ва аниқ фанларга ихтисослаштириш, етук мутахас-сисларга эҳтиёж ортиб бораётганини инобатга олиб, янги факультетлар ташкил этиш заруриятини таъкидланди.

Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, ака-демиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳақида сўз борди.

Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадр Глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат қа-торидан жой эгаллаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бунинг учун, энг аввало, илм-фан соҳасининг меъриий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида "Фан тўғрисида" қонун лойиҳаси ишлаб чиқил-ди. Қолаверса, ўтган қисқа давр мобайнида илмий-тадқи-қот ишларини тижоратлаштириш ва самарадорлигини оши-ришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Натижада инновацион ишланмаларни амалиётга таъдир-этиш бўйича қиймати 151 миллиард сўмлик 55 лойиҳани амалга ошириш учун қўлай замин яратилди. Фанлар акаде-мисининг Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан замонавий илм-фан ютуқлари асосида ишлаб чиқилган од-дий суперфосфат ҳамда маҳаллий хомашдан фаоллашти-рилган кўмир олиш технологияси шулар жумласидандир. Усимлик моддалари кимё институтининг "Ферулен" ва "Фланорин" препаратлари, Биоорганик кимё институтида "Рутан" дори воситаси субстанцияси, Ядро физикаси ин-ститути олимлари томонидан яратилган сувни кимёвий тоза-лаш ускунаси ҳам бунга аққол мисолдир.

Бу ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақса-дида 450 ишланма ва 90 та тармоқ муаммолари ечимлари-ни қамраб олган "Буортмачи-тадқиқотчи-инвестор" махсус портали ишга туширилиб, тижорат банклари билан 19 янги стартап корхона ташкил этилган.

Буларнинг барчаси импорт ўрнини босувчи товарлар иш-лаб чиқаришга шароит яратмоқда. Тақрор ва тақрор таъ-кидлаш жоиз: янги фикр ва янги ғояга, инновацияга таян-ган давлат ҳар доим ютади ва ривожланади. Шунинг учун, биринчидан, импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқари-ши маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтириш керак. Бу – марказнинг бир томони. Иккинчи томони эса ушбу ишланмалар маҳаллий ишлаб чиқару-ви корхоналарни қизқитириши ва харидорлиги бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг келаси йилдан илмий муассасалар-ни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш тақдирли олимлар томонидан қизгин қўллаб-қув-ватланди.

Учрашувда археология соҳасини янада ривожлантири-шга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон археологлари томонидан сўғдий ҳукмдорлар қароргоҳи харобалари бўлган "Кофир-қалъа" ёдгорлигида ёғоч панно – сўғд санъатининг ноёб намунаси, Фарғона vodiysидаги Ахсиендта X асрда пишқи гўшдан туннель шаклида қурилган ер ости сув таъ-миноти тизими топилгани юртимиз тарихи нақадар буюк эканидан далолат бериши эътироф этилди. Мутасаддилар-га археологияни ривожлантириш бўйича алоҳида давлат дастурини қабул қилиш юзасидан топшириқ берилди.

Термит ҳашароти асосан целлюлоза, яъни ёғочни кеми-риб, аҳоли турар жойлари, маданий-тарихий обидалар, стра-тегик аҳамиятга эга объектлар, бино ва иншоотларга жи-ддий зарар етказиши. Зоология институтига термитларга қарши курашиш бўйича олий борилаётган изланишларни янада такомиллаштириш тўғрисида қўрсатмалар берилди.

Изланувчан олимларни рағбатлантириш мақсадида ил-мий ишланма яратган тадқиқотчи докторлик ва уни амал-ийётга таъдир эътибор изланувчанга таянч докторлик илмий даражасини берадиган бинар (иккитали) химия тизимини жорий қилиш, бюджет маблағлари ҳисобидан стажёр-тад-қиқотчилар институтига ҳамда юртимиз биологик хилма-хиллигини ўрганадиган дала-таъдирот стациялари ташкил этиш тавсия қилинди.

Кейинги йилларда илм-фан ва таълим соҳаси ходимлари изчил рағбатлантириб келинмоқда. Илмий ходимларнинг маоши ўтган йил 1 сентябрдан ўртача 25, жорий йил 1 январдан 20 фоиз оширилган эди, 1 июлдан эса яна 25 фоиз кўтарилиши қўрилган бўлди.

Президентимиз ушбу амалий чораларнинг мантйқий давоми сифатида жорий йил 1 сентябрдан барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулла-наётган, таълим ва илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган фан номзодларнинг маошига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоиз устама ҳақи белгилашни тақдир қилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Ёшлар академияси ҳам илм-фан вақилларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Ушбу академияга инновацион фикрлайдиган иқтидорли талабалар ва 40 ёшга-ча бўлган олимлар, ташаббускор ёшлар аъзо бўлади. Академияда сунъий интеллект, қайта тикланадиган энер-гия манбалари, робот техникаси ва меҳатроника, фарма-цевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D моделлаштириш каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилади.

Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг олий таъ-лим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнини янада жадаллаштириш бўйича қарорлари ва "Йўл харитаси" тасдиқланган. Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида олий таълим муассасаларининг йирик ишлаб чиқариш корхона-лари, давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ил-мий-тадқиқот институти ва марказлари билан ҳамкорли-ги йўлга қўйилди. Натижада ташкилот ва корхоналарнинг 4 мингдан ортиқ малакали амалиётчи-мутахассислари олий ўқув юрталарининг таълим жараёнига жалб этилган.

Шунингдек, кейинги 2 йил давомидаги халқаро ҳамкор-лик натижасида мамлакатимизда янги олий таълим муассас-салари фаолияти йўлга қўйилди. 30 дан ортиқ ўқув юртида ҳорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрланмоқда.

Олий таълим тизимини замонавий усуллар ёрдамида самарали бошқариш, соҳада моддий-техник базани кучай-

тириш, ўқув-методик ишларни такомиллаштириш бўйича жи-ддий чоралар қўришимиз зарур. Иқтисодий тармоқла-рининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, олий таълим тизим-ини ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаш, давлат таълим стандартлари ва малака талабларини қайта ишлаб чиқиш, талабаларнинг малакавий амалиётини самарали та-шкил этиш лозим, деди Президент.

Учрашувда педагог кадрлар малакасини ошириш ва улар-ни табақалаштириш ҳолда рағбатлантириш тизимини жо-рий этиш ҳақида ҳам сўз юритилди. Олий таълим вазирли-ги магистратура талабаларини Фанлар академиясининг мос йўналишдаги илмий-тадқиқот институтида стажировка ўташини йўлга қўйиш, таъдирот фанлар ва мутахассис йўна-лишларидаги магистратура талабаларини бюджет ҳисоби-дан давлат буюртмаси асосида тайёрлашни йўлга қўйиш заруриятини таъкидланди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўткази-ладиган фан олимпиадалари тизимини такомиллаштириш, голибларни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш, хусу-сан, мамлакат миқёсидаги голибларни тегишли мутахас-сисликлар бўйича магистратурага, халқаро олимпиада голиб-ларини эса кейинчалик докторантурага ҳам синовсиз қабул қилиш чораларини кўриш белгиланди. Молиявий барқарор олий ўқув юрталарини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш лозимлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда академиклар, олий ўқув юрталари ректорлари ва талаба ёшлар сўзга чиқиб, таълим тизимига амалга оши-рилаётган ислохотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Миллий университети математика факультети 4-босқич талабаси Сардор Бозорбоев ёшлар учун яратилаётган имкониятдан кенг фойдаланиш заруриятини таъ-кидлаб, талаба ва ўқувчилар фан олимпиадалари ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган эъти-бордан мамнун эканини билдирди.

Сардор математика бўйича ўтказилган халқаро олимпиа-даларда 4 олтин, биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритган.

– Таълим тизимига эътибор самарасини ёшларимиз тур-ли танлов ва халқаро олимпиадаларда қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин, – деди С.Бозорбоев. – Биз, ёшлар яратилган имконият ва имтиёزلардан умумий фойдаланиб, юртимиз довуригини янада юксалтиришимиз, улўғ алломаларнинг муносиб ворислари эканимизни исботлай-миз.

Президентимиз Сардор каби изланувчан, зукко, билим-дон ёшлар юртимиз келажаги эканини таъкидлаб, унга ав-томатичан соғва қилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг топшириқига асосан Тошкент шаҳри худудидан оқиб ўтувчи Чирчик дарёси, ка-нал ва коллекторлар соҳилларида ноқонуний қурилмалар-ни бартараф этиш ва худудларни ободонлаштириш юзаси-дан "Йўл харитаси" тасдиқланган.

Президентимиз 2018 йил 9 феврал куни Олмазор тумани-да бўлиб, каналлар бўйини ободонлаштириш, аҳолининг дам олиши учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўрсатма-лар берган эди.

Бугун бу ерда кўркам маданият ва маърифат маскани бунёд бўлди. "Дамашини" каналнинг 2,5 километр қисми қирғоқлари бетонлаштирилиб, "Сой бўйи" сайилгоҳи бар-по этилди.

Канал қирғоғи 7 лотга бўлиниб, уларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам рестороанлар, дам олиш мас-канлари, коворкинг маркази, фитнес клуби ва бошқа бир қатор объектлар ҳамда жаҳонга машҳур Эйфель ва Пиза миноралари, Минора калон, Лувр пирамидалари ва бошқа шунга ўхшаш объектлар макетлари барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари коворкинг маркази ва ундаги тикув-чилик корхонаси фаолиятини билан танишди.

Бир пайлар бу ерлар қандай ташландик жой эди. Ҳам-мамиз шундай яшамоқда ўрганиб қолган эдик. Бир йил ичиде қилинган ишлар самарасини кўриб турибмиз. Ободлик бор жойда кўт-барак бўлади. Бу ер нафақат хордик чиқаради-ган жой, балки маънавият ва маърифат масканига ҳам айла-нади, деди Шавкат Мирзиёев.

Ободонлаштириш ишлари бўйича буюртмачи – Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжини-ринг компанияси. Бош лойиҳачи – "Prime tower group" МҲҶ. Бош пудратчи сифатида эса "Inter building" МҲҶ иш олиб борди.

Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Ну-ронийлар маскани, "Ёшлар меҳнат гузарни" ҳам аввалги таш-рифтнинг амалий натижаларидир.

Кутубхона бош китоб фонди ва ахборот технологиялари билан таъминланган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан электрон тарзда боғланган.

Нурунийлар масканида фахрийлар ўз вақтини мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари кутубхоналар ва Нурунийлар мас-канин кўздан кечириди. Маҳаллий аҳоли вақиллари, оқсо-қоллар билан сўхбатлади.

Шайхонтоҳур туманидан оқиб ўтувчи "Катта Калкауз" каналини суви оладиган "Дамашини" Олмазор туманининг Нурафон қўчасидан бошланади. Унинг умумий узунлиги 7,36 километри ташкил этади.

Президентимизга "Сой бўйи" сайилгоҳи ва худуд атро-фидаги Олтинсой, Қичқирчи ва Тараққий маҳаллаларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари бу тизимни Тош-кент шаҳрининг барча туманларида жорий қилиш, жиноят-чиликнинг олдини олишда илм ва таҳлил асосида ишлаш заруриятини таъкидлади.

Канал ва унинг атрофидеги худуднинг озодлиги ҳамда санитари ҳолати Тошкент шаҳар ва Олмазор тумани ҳоким-ликларининг махсус ишчи гуруҳи томонидан мунтазам на-зорат қилиб борилади. Хусусан, "Тоша канал" компанияси тадбирлари бошланганидан шу кунга қадр қирғоқбўйи худудига 136 ноқонуний қурилмалар аниқланиб, уларнинг 133 таси бартараф этилди. Бу борадаги ишлар давом эт-моқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олмазор туманига аввалги таш-рифи шундай хайрли натижаларга олиб келди. Ишонч бил-ан айтиш мумкинки, галдаги ташрифт Чирчида белгиланган вақифалар, берилган топшириқлар янада янги марраларни эгаллашга йўл очди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Алоуддин ҒАФФОРОВ, Зийдулла ЖОНИБЕКОВ, ҲАМРАҲИМОВ

ГФР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йил 27-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Президентлар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20-22 январь кунлари Германияга ташрифи давомида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотни давом этти-риб, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молия-вий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқбол-ларини, шунингдек, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи фор-мати доирасидаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиш режалашти-рилган.

Ташриф доирасида Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистон ва ГФР етакчи компания ва банклари, жамо-атчилик вақиллари билан учрашиши, қатор саноат ва бошқа объектлар билан танишиши кўзда тутилган.

Федерал Президент Хоразм вилоятига ташриф бую-риб, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчи-лари ва талабалари билан учрашади ҳамда Хива шаҳ-рининг тарихий ва меъморий обидалари билан тани-шади.

Ташриф якунида иқтисодий, молия, таълим, соғлиқ-ни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳалари-да икки томонлама муносабатларини янада кенгайтири-шга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чи-қариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш сураятларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш матери-аллари саноатидаги таркибий ўзгаришларни янада чуқур-лаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмлари-ни ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
а) 2019–2025 йилларда маҳаллий хом ашё геология-қиди-рув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базасини кен-гайтириш **прогноз қўрсаткичлари** ҳамда 2019–2025 йил-ларда диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кен-гайтириш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш-нинг **мақсадида қўрсаткичлари** 1 ва 2-иловаларга мувофиқ, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда:

– геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базаси ҳажмларини охактош бўйича – **13,1 миллион тонна-га**, гипс тоши бўйича – **1,8 миллион тоннага**, лойсимон компонентлар, гипс хом ашёси, кварц куми бўйича – **1 мил-лион тоннага**, қўнган тоғ жинслари (базальт) бўйича – **0,**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Белгилансинки: вазирлик ва идоралар раҳбарлари Комплекс чора-тадбирларда қўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борадилар ва ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида қўриб чиқилад;

Вазирлар Маҳкамаси Комплекс чора-тадбирларда қўзда тутилган вазифаларнинг ижроси натижаси ва самарадорлиги тўғрисидаги батафсил маълумотларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари тегшли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолати бўйича ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш амалиётини жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва тақдор ҳосил қилиш давлат дастурини шакллантиришда янги конларни аниқлаш учун нурда фойдаланиш қазилма бойликлари майдонларини геологик ўрганиш улушини 15 фоизга оширишни назарда тутсин;

б) бир ой муддатда нурда фойдали қазилма бойликлар мавжуд ўр қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича лицензиялар бериш тартибини муражотчилар зарур маълумот мутахассисларга эга бўлиши ҳақидаги мажбурий лицензия талабини жорий этган ҳолда янгида тақомиллаштириш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

в) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Саноат ҳавфсизлиги давлат қўмитаси ва "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) билан биргаликда кўйидагиларни ўз ичига олган қўшма чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин:

минерал хом ашёни геологик ўрганиш, қазиб олиш ва қайта ишлашда ўр қабридан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза қилишни, саноат ва таъриба-саноат шаклда қазиб ўр берилган конларда қончилик ишларини маркшейдерлик ва геологик таъминлаш;

фойдали қазилма бойликларининг селектив танловига, фойдали қазилма бойликларни жойлашган майдонларда асосиз ва ўзбосимчилик билан қурилмалар қурилишига йўл қўймасликка алоҳида аҳамият қаратган ҳолда ўр қабридан фойдаланиш билан боғлиқ лицензия талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ўстидан назоратни кучайтириш;

минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилма бойликларининг мейёрдан ортқ йўқотилишига йўл қўйилганлиги ҳолатларини аниқлаш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, шу жумладан, аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида кенг жамоатчиликни ҳабардор қилиб бориш орқали.

4. 2019 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт қилинаётган маҳсулотини сертификатлаштириш бўйича ҳаражатлари "Ўзстандарт" агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни ривожлантириш агентлиги томонидан қопланади;

б) тадбиркорлик субъектларининг солиққа тортиш базаси беш йил давомида тенг улушларда нурда фойдали қазилма бойликларни конларини ўзлаштириш учун зарур бўлган маҳсулотнинг коммуникация ва транспорт инфраструктурасини қуриш ҳаражатлари миқдорига, бироқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан белгиланадиган нормативларга мувофиқ ҳисобланадиган суммадан ортқ бўлмаган миқдорга камайтирилади;

в) тегшли синовлардан ўтган ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификати берилган қурилиш материаллари қурилиш ишларида қўлланилиши мумкин;

г) техноген минерал ҳосилларнинг тури ёки кўриниши, уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда уларни сақлашнинг кон-техникавий шарт-шароитларини тавсифловчи маълумотлар тадбиркорлик субъектларига уларнинг сўровига асосан бепул тақдим этилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамағармаси маблағлари ҳисобидан:

кредит суммасидан қатъи назар қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича фоиз ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошган миқдорда, бироқ 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, шунингдек, хоржий валютадаги кредитлари бўйича фоиз ҳаражатлари тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи миқдорда, бироқ 4 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда қопланади;

қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиликлар берилди.

5. 2021 йил 1 январга қадар олиб келинаётган хом ашё 5-иловадаги рўйхатга мувофиқ боқона боқларини ўзлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва Уюшманинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун 2019-2021 йилларда халқаро молиявий институтлар ва хоржий банкларнинг 500 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини (кейинги ўринларда – кредит линиялари) жалб қилиш ва фойдаланиш;

б) кредит линиялари ҳисобига қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг қуйидаги механизмни жорий этиш:

кредит линиялари маблағлари биринчи навбатда Рўйхатга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади; лойиҳалар импорт орқали келтириладиган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг қий-

мати миқдорда, бироқ лойиҳа бўйича умумий капитал ҳаражатларнинг 70 фоиздан ошмаган миқдорда молиялаштирилади;

Рўйхатга киритилган лойиҳаларни кредит линиялари маблағларидан молиялаштириш ҳажмларини қўзда тутилган лимитлардан ошириш ҳамда Рўйхатга киритилмаган лойиҳаларни молиялаштириш тижорат банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва Уюшма билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳани амалга оширишнинг аниқ механизмлари ва муддатлари, шунингдек, лойиҳа ташаббускорлари ва масъул ижрочиларини қўзда тутилган ҳолда ҳар бир лойиҳа кесимида кредит линиялари маблағларини жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг энергия тежамокорлик мезонларига мувофиқ келмайдиган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни 2021 йил 1 январга қадар кўмирдан ва табиий газга мўқиб бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга боқсичма-боқсич ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Уюшма билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутилган ҳолда цемент ишлаб чиқарувчилар, ғишт заводлари, сўндирилган оҳак ишлаб чиқарувчи цехларнинг энергия тежамокорлигини, шу жумладан, кўмирдан ва табиий газга мўқиб бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга ўтказиш орқали боқсичма-боқсич ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин;

2019 йил 1 сентябрга қадар энергия тежамокорлик мезонларига мувофиқ келувчи асбоб-ускуналар ва технологияларни таснифловчи коэффицентлар, мейёрлар ва мезонлар ишлаб чиқирилиши ва тасдиқланишини таъминласин; ҳар йили 1 ноябрга қадар корхоналарни хатловдан ўтказишни ва табиий газ сарфининг шартли мейёрлари энергия тежамокорлик мезонларига мувофиқ келувчи корхоналар рўйхатининг тасдиқланишини таъминласин;

қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни кўмирдан ва табиий газга мўқиб бўлган бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга ўтказишда атраф-муҳитга етказиладиган зарарни минималлаштириш бўйича экологик талабларга амал қилинишини таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари учун мамлакатда қазиб олинмаган кўмирнинг прогноз ҳажмлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги йиллар ва ҳудудлар кесимидаги маълумотлардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминласин.

9. Қуйидагилар: 2021 йилнинг 31 декабрга қадар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 6-иловага мувофиқ;

2019 йилда қайта қўриб чиқирилиш лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг қурилиш мейёрлари ва қондалари рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Ўзстандарт" агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги 6 ва 7-иловаларда назарда тутилган мейёрий ҳужжатларнинг ўз вақтида қайта қўриб чиқирилиши ва қабул қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 6 ва 7-иловаларда назарда тутилган мейёрий ҳужжатларнинг қайта қўриб чиқирилиши ва қабул қилинишининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастури) 8-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосланган буюртмалар лозимиятига асосан Чора-тадбирлар дастури ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ва Уюшманинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) қуйидагилар учун масъул бўлган "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси раисининг илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари лавозимини киритиш; қурилиш материаллари саноатини инновацион ривожлантириш, талаб юқори бўлган сифатли маҳсулот турларини кенгайтириш, шунингдек, тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга доир илмий асосланган тақлифларни ишлаб чиқиш;

инновациялар учун буюртмалар портфелини шакллантириш ишларини ташкиллаштириш, ишлаб чиқилган технологияларнинг таъриба-саноат синовларини олиб бориш, янги турдаги қурилиш материалларининг синов партиясини ишлаб чиқариш ва уларни серияли ишлаб чиқаришга қўйиш бўйича тайёрлар тадбирларини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар натижаларини юқори қўшилган қийматли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

б) "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси қошида қуйидагилар учун масъул бўлган Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгаши (кейинги ўринларда – Илмий-техникавий кенгаш) тузиш;

замонавий инновацион ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш мейёрлари ва қондаларини тақомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш, янги турдаги энергия тежамокор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларини тасдиқлаш билан амалиётга жорий этилиши ва қўлланилишини таъминлаш;

юқори қўшилган қийматли янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий-техникавий, таъриба-конструкторлик, инновацион ва стартап-лоийҳаларни қўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва уларни саралаб олиш бўйича илмий асосланган ҳулосалар ишлаб чиқиш;

қурилиш материаллари саноатига инновацияларни жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқот ва таълим ва технология жараёнларини ҳар томонлама ўрганиш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва рўёбга чиқаришга тайёр бўлган истиқболли стартап-лоийҳаларни танлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион салоҳиятидан кенг фой-

даланиш орқали янги турдаги юқори самарадор қурилиш материалларини яратишга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш.

12. Белгилансинки: "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси раисининг илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари Уюшма таъсисчиларининг қарорига мувофиқ сайланади; инновацион ривожланиш вазири лавозими бўйича Илмий-техникавий кенгашининг раиси ҳисобланади;

Илмий-техникавий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири, қурилиш вазири, "Ўзстандарт" агентлиги бош директори ва "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси раисининг қўшма қарори билан шакллантирилади;

Илмий-техникавий кенгашининг қурилиш мейёрлари ва қондаларини тақомиллаштириш, инновацион ишланмаларни ҳамда янги турдаги энергия тежамокор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларини жорий қилишга доир тақлифларни қурилиш тармоқини техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича мейёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бир ой муддатда:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Бухоро муҳандислик-технология институти, Жиззах политехника институти ва Фарғона политехника институтида "Қурилиш материаллари, буюмлари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш технологиялари", "Йиғма темирбетон, бетон қурилмалар ва буюмларини ишлаб чиқариш", "Материалшунослик ва янги турдаги қурилиш материаллари технологияси (турлар бўйича)", "Деворбоб ва пардозбоб қурилиш материаллари технологияси" таълим йўналишларида кундузги ва сиртқи ўқув шакллари бўйича кадрлар тайёрлашни ташкиллаштириш чораларини кўрсин;

Бухоро муҳандислик-технология институти, Жиззах политехника институти ва Фарғона политехника институтига таълим йўналишлари бўйича 2019/2020 ўқув йилига қабул квоталари юзасидан тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки: техника йўналишидаги олий таълим муассасалари 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда вазирлик, идоралар ва ҳўжалик йўритувчи субъектлар (иш берувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қурилиш материаллари саноати соҳасидаги таълим йўналишларида сиртқи ўқув шакли бўйича тўлов-шартнома асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ҳўқуқига эга;

қурилиш материаллари саноати соҳасидаги таълим йўналишларида сиртқи ўқув шакли бўйича талабаларни ўқитишга қабул қилиш қурилиш материаллари саноати соҳасидаги корхоналарда ишлаётганлар орасидан иш берувчиларнинг тавсияномасига ва ўтказилган сўхбат натижаларига асосан амалга оширилади;

Уюшма, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қурилиш материаллари саноати корхоналарини талабаларнинг амалий машғулотлари, ўқув-таништирув ва дипломолди амалиётларини ўтказиш учун жалб қилишга масъул ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

Уюшма билан биргаликда бир ой муддатда етакчи хоржий компанияларни жалб қилган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган илгор технологияларни қўллаш бўйича малака ва кўникмаларни ошириш марказларини ташкил этишга доир тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қурилиш материалларининг таннархини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳини ташкил этган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаражатларини оптималлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан, маҳсулотларнинг биржа савдолирига қўйилиши ва сотилишида шаффоқлини таъминлаш ва нархлар бўйича кўникмаларни ошириш бўйича илгор тақлифларни киритсин.

16. Уюшма, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

қурилиш материалларининг кўрғазмалари намуналари ва республикада мавжуд бўлган нурда хом ашёси ресурслари, илгор технологиялар, ускуналар ҳамда маҳаллий ва хоржий тармоқ илм-фаннинг ютуқлари тўғрисидаги мунтазам янгилабдириш турлилуви маълумотлар базасини ўз ичига олган доимий фаолият йўритувчи кўрғазма ташкил этиш;

"Кварц" АЖнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойдасининг бир қисмини ва ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдасини капитализация қилиш ва маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги "Кварц" АЖда листланган ойна ишлаб чиқариладиган янги флот-линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жаддаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-5374-сонли фармойишига мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга мақсадли йўналтириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда Уюшмага Тошкент шаҳри, Яксарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68-А уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг давлат мулки сифатида бепул фойдаланиш ҳўқуқи асосида берилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчининг ўринбосари Г.К.Саидова ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 май



МАМЛАКАТИМИЗДА

Сурхондарё вилоятининг 9 тумани пиллакорлари белгиланган режани ортиги билан бажарди. Пиллакорларнинг ҳамжихатлик, меҳр билан қилган меҳнатлари эвазига бугунгача вилоят қабул пунктларига 1 минг 320 тонна сифатли хом ашё қабул қилинди. Жумладан, Жарқўрган – 225, Қумқўрган – 220, Шеробод – 145, Денов – 125, Қизиқ – 115, Музработ тумани – 105 тонна пилла билан вилоят хирмонига муносиб ҳисса қўшди.

Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуаси Мирзо Улуғбек мадрасасида "Маъдан мерос объектларини муҳофаза қилишда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Самарқанд давлат университети, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институти, Польшадаги Люблин технология университети ҳамда Регистон мажмуаси томонидан ташкил этилган тадбирда асосий эътибор тарихий маъдан мерос объектларини асраб-авайлаш, уларни ўрганиш масалаларига қаратилди. Мазкур ўқув муассасалари олимлари, архитектор ва ахборот технологиялари бўйича мутахассислар мавзу юзасидан ўз маърузаларини тақдим этди.

Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида ўзбек-афғон бизнес форуми ўтказилди. Форум доирасида давлат Термиз туманидаги "Termiz kargo" экспорт марказида ташкил этилган "Ўзбекистон – Афғонистон" чегараолди савдо зонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг тақдимотлари ўтказилди. Икки давлат ишбилармонларининг В2В шаклидаги учрашувларида музокаралар ташкил этилиб, ўзаро манфаатли ҳужжатлар имзоланди.

Қашқадарё вилоятида Президентимиз томонидан илгартирилган бешта ташаббусни қўллаб-қувватлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан" акцияси ана шу йўналишдаги ишларга бир мисолдир. Мазкур шир остида қарийб 40 минг дона ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир намуналари жойланган китоблар қаровни вилоятга етиб келди. Китоб тарғиботида оид кўрғазмалар билан жиҳозланган ва турли жанрлардаги китоблар ортлган юк автомобиллари Қарши шаҳридан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларига қараб йўл олди. Китоблар чекка-чекка ҳудудлардаги қатор умумтаълим мактабларига белгиланган рўйхат бўйича етказиб берилди.

Андижон вилояти Бўз туманидаги 6-умумтаълим мактабида 2000 йилги Олимпия йўналири чемпиони, жаҳон чемпиони, икки қарра Осиё чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс мактаби ташкил этилди. Бокс мактаби ёшларнинг бокс билан шугулланиши учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ёшларга ушбу спорт тури сир-асорларини ўргатиш учун маълум мутахассислар жалб қилинди.

ЖАҲОНДА

АҚШнинг Оклахома ва Техас штатларида бир неча кун давомида 60 га яқин торнадо хуржи қайд этилиб, 6 миллион одамга хавф солди. Кучли бўрон давомида икки мингдан ортқ ўй-жойлар электр қувватидан узилиб қолди, 4 киши ҳалок бўлди. Тинимсиз жала қуйиши натижасида Оклахома сув босди. Миссури штатида ҳам шундай ҳолат рўй берди.

Москвда бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида аввалгидек 32 та терма жамоа қатнашишини маълум қилди. Гап шундаки, ФИФА президенти томонидан аввал жамоалар сонининг 48 та етказилиши таъкидланган бўлса-да, бунга Қатарнинг ташкили томондан тайёр эмаслиги ҳалал бераётганлиги изоҳлаб ўтилди.

ФИФА ўз расмий сайтида 2022 йилда Қатарда бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида аввалгидек 32 та терма жамоа қатнашишини маълум қилди. Гап шундаки, ФИФА президенти томонидан аввал жамоалар сонининг 48 та етказилиши таъкидланган бўлса-да, бунга Қатарнинг ташкили томондан тайёр эмаслиги ҳалал бераётганлиги изоҳлаб ўтилди.

ҚИСКА САТРЛАРДА

"Piawei" компанияси Муҳаммад ал-Хоразми номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда анъанавий "Seeds for the Future" лойиҳаси иштирокчиларини тақдирлаш маросимини ўтказди. Ушбу лойиҳа доирасида ўзбекистонлик талабалар Хитойга ўқув амалиётига йўл олади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“CREDIT INVEST GROUP” МЧЖнинг
БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	16 452
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	93 170
30	16300	Олинган лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	51 280
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	871 690
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код-51 код)	871 690
70	16500	Асосий воситалар, соф	285 893
80	16600	Помоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	76 652
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	1 395 136
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	241 087
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	0
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	241 087
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали	600 000
320	30903	Умумий захира фонди	90 000
330	30905	Текнига олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	464 049
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 154 049
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 395 136

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
1. ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар	733 761
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	733 761
2. ФОНДЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	42 473
240	54400	Лизинг (микроризинг) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	42 473
3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)			
310			691 287
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	691 287
4. ФОНДСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	317 293
450		Жами фойзсиз даромадлар (410+440)	317 293
5. ФОНДСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	28 960
520	55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	6 508
530		Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	35 469
6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)			
600			973 112
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	120 461
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	51 930
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Мазмуний харажатлар	11 682
750	56500	Репрезентация ва хайрия	4 428
760	56600	Эскириш харажатлари	48 305
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	10 456
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	247 263
8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ			
800	56800-56802-56842		0
9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)			
900			725 849
10. ФОЙДА СОЛИГИ			
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	103 659
11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)			
1100			622 190
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	-25 524
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+-1110)	596 666

Ушбу ҳисобот “TRANS AUDIT A” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 31.12.2018 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланди. (Лицензия Молия вазирлиги томонидан № 00381 рақами остида 17.06.2008 йилда берилган).

“SHERZOD KREDIT INVEST” МЧЖнинг
БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	2 343
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	72 341
30	16300	Олинган лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	36 125
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	708 325
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код-51 код)	708 325
70	16500	Асосий воситалар, соф	117 841
80	16600	Помоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	31 625
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	968 601
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	69 935
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	798
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	2 884
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	7 360
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	80 977
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали	500 000
320	30903	Умумий захира фонди	75 000
330	30905	Текнига олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	254
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	464 049
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 154 049
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 395 136

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
1. ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар	576 495
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	576 495
2. ФОНДЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	18 205
240	54400	Лизинг (микроризинг) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	18 205
3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)			
310			558 290
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	558 290
4. ФОНДСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	141 356
450		Жами фойзсиз даромадлар (410+440)	141 356
5. ФОНДСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	25 675
520	55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	1 108
530		Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	26 783
6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)			
600			672 863
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	116 446
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	36 066
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Мазмуний харажатлар	11 320
750	56500	Репрезентация ва хайрия	15 528
760	56600	Эскириш харажатлари	27 670
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	5 535
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	212 566
8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ			
800	56800-56802-56842		0
9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)			
900			460 297
10. ФОЙДА СОЛИГИ			
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	68 306
11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)			
1100			391 991
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+-1110)	391 991

Ушбу ҳисобот “TRANS AUDIT A” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 31.12.2018 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланди. (Лицензия Молия вазирлиги томонидан № 00381 рақами остида 17.06.2008 йилда берилган).

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Узсанотқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиали таркибда очилиши режалаштирилган “Банк хизматлари маркази” биносини ўзгартирилган янги дизайн ва ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан қайта таъмирлаш ишлари бўйича пудрат ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни куйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзе, Меҳр кўчаси.

Телефонлар: (71) 276-55-82, (71) 276-43-39. Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 01.03.2018 йилда № 583877 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “ILXOM LUX TRANS” МЧЖ (СТИР: 305362733) таъсисчининг 24.05.2019 йилдаги №2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яққасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 20-уй, 43-хонадон манзилида қабул қилинади. Тел: +99890 922-22-46.

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 26.05.2017 йилда № 521023 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “PASPORT VISA SERVICE” МЧЖ (СТИР: 304912554) таъсисчининг 24.05.2019 йилдаги №2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яққасарой тумани, Яққасарой кўчаси, Боттепа 5-тор кўчаси, 24-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99897 333-43-33.

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2016 йилда Хайриддин Шерзод Хусниддин ўғли номига берилган К № 446360 рақамли (807-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шарқий харбий округ № 48982 харбий қисми томонидан 11.05.2017 йилда Йулдошев Зокир Дониёр ўғлига берилган ОК 042177 рақамли тавсиянома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 14-уй эгаси Қасимов Музаффар Қасимжанович номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2005 йилда Қурбонова Дилноза Хамиджановна номига берилган К № 271199 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент фармацевтика институти томонидан 1991 йилда Турғунов Зокиржон Алимжанович номига берилган ФВ № 947507 рақамли (9433-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ”
ва
“ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқ

ШАНБА ОҚШОМИДА

Яқинда "Китоб олами" дўконига дугонам билан бирга бордим. Ажойиб манзарадан кўнглинг яйраб кетади. Разм солсам кимдир излаган китобини топганидан мамнун бўлса, бошқа биров шиннам ўриндиққа ўтириб олганча севимли асарига шўнғиб мутолаа қилаяпти.

Бугуннинг гапи

КИТОБГА ТАРФИБОТ ЗАРУР!

Тараққиётни кўзлаган давлат борки, халқини китобга ошно этишининг турли йўл ва усулларини излайди. Савол туғилади: нега энди бунга чора излаш керак? Нега китобсеварликка тарғиб зарур бўлиб қолди? Ахир, ҳамма китобни шундоғам ўқиши керак эмасми?

Чунки, китобни афзаллиги ва фойдасини турли усуллар билан ўқитилмагунча уни кўлга олмаслиги тайин.

Таниқли журналист Ахрор Аҳмедов билан китобхонлик мавзусида суҳбатларнинг бирида "Ҳеч қайси жиноят китоб устида амалга ошмайди. Одам телевизор кўриб, видео кўриб, компьютердан туриб, тўйдан чиқиб жиноятга қўл урган бўлиши мумкин, фақат китоб ўқигандан кейин эмас..." каби мулоҳаза келтирилади. Жуда ўринли фикр. Китоб жиноятдан, кишидан сақлаши, умрни тўрт девор ичида бесамар ўтишидан асраши ҳақиқат эмасми? Демак, биз китобга қанчалик яқин бўлсак, ҳаётимиз мазмунли ўтиши шубҳасиз.

Буюк Британияда китоб терапевти деган касб бор. Бундай мутахассислар китоб ўқитиш орқали руҳий муаммолар қуршовида қолган кишиларни даволайди. Масалан, иқтисодий қийинчиликдан хавотирга тушган ўрта ёшдаги кишига Фрэнсис Скотт Фицджеральднинг "Буюк Гэтсби", Сол Беллоунинг "Хендерсен — ёмғир қироли", Айрис Мердокнинг "Кўнғирок" номили

китоблари тавсия этилади. Аёлларга Одри Ниффенгер қаламига мансуб "Вақт сайёҳининг рафиқаси", Том Роббинснинг "Жаз оҳанглари" китоби маъқул саналади.

Хуллас кўплаб ривожланган мамлакатларда китобхонлик билан боғлиқ яхши бир одатлар борки, улар оилада болаликдан шакллана боради. Жамият тараққиёти, халқнинг фаровон турмушига ҳам китоб мутолааси сабаб бўлган.

Лекин одамларни, айниқса ёшларни китоб мутолаасига жалб қилиш осон кечмайди. Бунинг учун албатта турли воситалар, ўзига хос рағбатлантирувчи усуллар талаб қилинади. Чунки Гёте айтганидек, китобхонликка ўрганиш учун қанчалик кўп вақт сарф қилинишни одамлар тасаввур қилолмайди. Бунинг учун адиб ҳаётининг саксон йиллини бағишлаган экан.

Дарҳақиқат, мутолаа яхшигина меҳнат талаб қилади. Китобни кино кўргандай, мусиқа эшитгандай йўл-йўлакдай ўқишдан ҳеч бир маъно-мазмун йўқ. Бунинг учун инсонда ҳафсала, кунт талаб этилади. Аслида биз ҳаммаша осонини танлаймиз. Шу сабабли ҳам мутолаани энг охириги ўринга қўямиз. Бу — ўзимизни қийнашни истамаганимиз, дангасалигимиздан далолат беради.

Шахсан мен учун китоб мулоқотнинг энг гўзал намунаси. Масалан, бир неча аср илгарги ҳаёт, одамлар-



нинг турмуш тарзи, машғулоти, ўй-фикридан шу китоблар орқали бохабар бўламан. Улар билан айнан китоб воситасида суҳбатлашаман. Кечинмалари, фикр-мулоҳазалари билан танишаман. Ана шундай лаҳзаларда китобни мўъжиза эканлигини янада теранроқ англайман.

Китоб умри бир инсон умридан анча-мунча узунроқ. Бир инсон фалсафасидан ҳам қадимроқ, Наҳотки энди фалсафаларнинг қанчасини ўзимизники қилиб олишимиз, қанча умрларни яшаб кўришни хохламаймиз. Хуллас, китобнинг бизга берадиганлари кўп. Эвазига вақтимиз ва дардимизни олади холос.

Бугунги глобализм даврида ахборотнинг кўплиги сабабли турли маълумотлар билан тўлган мия "ортиқча озуқа"га эҳтиёж сезмас балки? Бугун ўзини енгган, болалигидан китоб ўқиш кўникмасига ҳамда ахборот ва билимларни саралай олиш қобилиятига эга бўлган одамдангина китобхон чиқади. Айримлар бу фикримга эътироз билдириши мумкин. Мана фалончи умрида битта бўлса ҳам китобни варақламаган. Лекин бой, ҳаммадан яхши яшашапти, деб ҳаётдан мисол айтадиганлар учраб қолар.

Бироқ ўзини ҳурмат қилган инсон, албатта, китоб ўқийди. Китобхонлик бу ўзини тафтиш қилишга, дунёни англаш томон йўл очиб бориш демакдир.

Нозимахон НУРМАТОВА



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ўзи турганда худбиннинг ўзга билан иши йўқ.

Сезгилар алдамайди.

Ақл ҳам ҳамиша тўғри ҳукм чиқармайди.

Қайсар сўзини ўтказгандан хурсанд.

Бир оғиз сўз кишини тўққиз қават осмонга ҳам олиб чиқиши, етти қат ерга ҳам тикиши мумкин.

Ҳамма нарса бир куни ўз изига тушиб кетади — фақат бунинг учун вақт ва сабр керак.

Меҳнатдан ўтар таскин йўқ.

Ҳамма ишни ўнг қўл қилса ҳам, юракка чап қўл яқин.

Биз туйғуларимизни яшириб, мунофиқлик қиламиз.

Нимани ўтдан асраш керак, нимани сувдан.

Одамлар яхшиликни билмайди деб ёмонлик йўлига ўтиш нотўғри.

Хаёлда ҳамма нарса осон, ҳаётда эмас.

Бу дунёда ҳеч нарса тинчлик ва соғлиққа етмайди.

Ҳурмат ва муҳаббат талаб қилинмайди.

Одамларнинг гап-сўзи хотир-жам яшашингга халақит беради.

Хулқ бўлмаса, ҳусн бир пулга қиммат.

Ким нима деса ишонишининг ўзи кишининг нодон ва аҳмоқлигини кўрсатади.

Одам қанча паст бўлса, шунча баланддан келади.

Қатрлар

СУВГА ОҚИБ КЕТГАН СИР

"Мамаражабининг уч болали қизи ўзини дарёга ташлаб, фарқ бўлибди" деган совуқ хабар бир зумда қишлоққа ёйилди. Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол.

"Тавба! Нималар бўляпти ўзи?"

"Раҳматли беозоргина, ҳокисор аёл эди".

"Яқинларини қон қақшатиб нима зарил экан?"

"Лоақал норасида болаларини ўйламабди-да".

"Ислонда ўз жонига қасд қилиш қаттиқ қораланган".

"Нега бундай қилдикин?"

"Эри Россияга ишлагани кетган экан, ҳали эшитмагандир".

"Пул-мул юбориб турармиди?"

"Хар ойда пул юбораркан. Рўзгорда камчилиги йўқ экан?"

"Унда нега...Тавба!"

"Одам фақат ейиш-ичиш учунгина яшамайди".

"Бировнинг ичини биров билмайди".

"Тўғри, бу дунёда ҳеч нарса сабабсиз рўй бермайди".

"Хўш, сабаби нима бўлиши мумкин?"

"Сабаби... асл сабаби аёлнинг ўзи билан сувга оқиб кетди".

ЙЎҚЧИЛИК ВА ТЎҚЧИЛИК

Болалигимда менга қандай суннат тўйи қилинганини яхши эсламан. Қўрадаги ўн бешта қўйни тонг саҳарда отам билан тумандаги мол-бозорга ҳайдаб борганмиз. Онам харидорлар қўйларимизни аридай таллашиб-тортишиб олсин дея ирим қилиб, арининг уясини тутатган. Қўйларимизга ўрганиб қолгандим, шунинг учун улар сотилаётганда кўнглим чўкиб, мунгайиб қолганман. Айни чоғда отам шундай қилишга мажбур экани, тўй қилиш учун кўп пул кераклигини ҳам мурғак тасаввурим билан англаб тургандай эдим.

Тўй жуда дабдаба билан ўтди. Ўша йиллари "Ёғоч оёқ" деган ўйин бўларди, полвонлар даврага чиқиб кураш тушардилар. Бунақа ўйинларни биз болакайлар мириқиб томоша қилардик. Шоп мўйлови қулоғига қадар буралиб кетган гижжақчи аллақандай нағмани тинимсиз чақиб турди. Унинг олдида ёзилган чорсига ташлаётган пуллар кўпайиб, бир уюм бўлди. Аҳён-аҳён одамлар чорсининг ёнига энгашиб, пуллардан бир-икки қисм олиб кетишарди. Мен истаган одам келиб бемалол пуллардан олавериши мумкин экан деб ўйлаб, чопиб бориб пулларга чанг солдим. Шунда катталардан бири орқамдан келиб, белимдан маҳкам кучоқлаб ердан кўтарди, қўлимдаги пулни эса секин олиб, яна чорсига ташлади. (Йиллар ўтгач, одамлар йирикроқ пулларини майдалаб, чорсидан пул олишганини тушунганман ва ўшандаги қили-

ғимни эслаб, уялганман.)

Хуллас, тўй таомилдагидай зўр ўтди. Отамнинг йиллар давомида толган-тутгани бир кунда совурилди. Оқшомда маҳалланинг сартароши Ҳасан уста (сартарошлар шунақа ишнинг бажаришарди) мени "қулала-қулала" қилиб, қўлимни ҳалоллади, катталарнинг айтишича, чин мусулмон бўлдим.

Орадан яна бир-икки йил ўтгач, отам укамга ҳам тўй қилиш тарадудига тушди. Энди қўрада қўйлар йўқ, биттагина соғин сигиримиз қолган эди. Бир куни қоқ ярим тунда отамнинг онам билан пичирлашиб гаплашаётганини эшитиб қолдим.

— Тўйни қандоқ қилдик, хотин? Сотадинг нарсамиз ҳам қолмади.

— Оллоҳ етказар, кўп ўйлайверманг, — онам отамга далда берди.

— Қолхоздан қарз сўрасак берармикин? Раисни улфатлари билан меҳмонга чақирсак-чи?


— Кейин пул сўрайсизми? Пул учун меҳмонга чақирибди деб ўйламайдими?

— Гапингда жон бор. Уфф... Нима қилдик энди, хотин? Эл-юрт олдида хижолат бўлмасак гўрғайди. Уфф... Ўшанда уларга ачиниб кетганман. Кейин, барибир соғин сигиримиз сотилиб кетган. Тўйдан кейин кунимиз қуруқ нон-чойга қолган.

Афсуски, халқнинг қон-қонига сингиб кетган ўша удуллар, ортиқча чиқимлар, беҳуда оворагарчиликлар ҳали-ҳамон давом этмоқда...

Шодмон ОТАБЕК

Бошқотирма



Энига: 1. Бахс, дискуссия. 4. Ҳокими мулқ (русча). 7. ... Раҳимов (актёр). 8. Мусиқа ёзуви. 9. Қатъий сўз. 10. Эмиль... (фокусчи). 12. Намозни бошқарувчи домла. 13. Муҳаббат, севи. 14. Ўйламай ҳаракат қиладиган. 15. Азиз неъмат. 18. Яра боғлайдиган доқа лента. 20. ... Отажонов (жонанда). 23. Чидам, тўзим. 26. Тикув машинаси галлаги. 28. Қишлоқ хўжалик қироли. 30. Ижтимоий бурч. 31. Ўзбекистондаги дарё. 33. Ҳинд фильми. 35. Шаклдош сўзлар. 39. Шаҳар транспорти. 41. Касал (синоним). 42. Бошоқли дон. 44. Покистон кийим-кечак фирмаси. 46. Спорт тури. 48. Ёритиш асбоби. 50. Ақлни пешловчи фан. 54. Фойда, наф. 56. Яра дориси. 57. Парда Турсин романи. 59. Гуноҳкор. 61. Харбий мажбуриятни ўташ. 63. "Қутлуг" қондаги образ. 65. Эртадан кейинги кун. 67. Ўлик тил. 70. Чевар асбоби. 73. Автомобиль қисми. 75. Ер шарининг жанубий қисми. 76. Вужуд, жусса. 78. Суднинг қатъий қарори. 79. Косметик модда. 80. Касалик тури. 81. ... Турдиев (актёр). 82. Рожа рафиқаси. 83. Ўқ отиш қуроли. 84. Хоразм вилоятидаги туман.

Бўйига: 1. Физик заряд. 2. Нутқ сўзловчи. 3. Булбул (синоним). 4. Ёзма иш. 5. Қадимги Эрон пули. 6. Вокал асар. 9. Қовун нави. 11. Бир-бирига уйғун товушлар. 16. Пайғамбар қувви. 17. Шарм, ҳаё. 19. Тупроқ. 20. Африкадаги шаҳар. 21. Куй. 22. Танадаги асосий суюқлик. 23. Нав, хил. 24. Дарвеш. 25. Хужайралар бирикмаси. 27. ... рози, худро рози. 29. Қатъий қарор. 30. Шинжи... (футболчи). 32. Театрдаги томошабин жойи. 34. Осмон жисмлари ҳақидаги фан. 36. Қарам мамлакат. 37. Оёқлари калта стол. 38. Синфий жамиятдан олдинги. 40. Каноп, жут, зигироя пўстлоғи. 41. Даста, тутқуч. 43. Шох-шаббали девор. 45. Кўп, сероб. 47. Тошкент шаҳридаги туман. 49. Андижон вилоятидаги туман. 51. Синуванч. 52. Тақослаб тасвирлаш. 53. Сут маҳсулоти. 55. Тўқима газмол. 56. Тахтанинг "дўсти". 58. Ҳаётлик даври. 60. БМТ (русча). 62. Ёз ойи. 64. Беморларни техник текшириш. 66. Ортирилган билим. 68. Таг, туб. 69. Абдий, умрбод. 70. АҚШ ва Канададаги шаршара. 71. Катта қон томири. 72. Дарахт пўстидан тайёрланган материал. 73. Тошкент вилоятидаги қул. 74. Тарелка (шева). 76. Қон оқадиган орган. 77. Ношуд, эпизис.

Тузувчи Файзулла Абдуллаев

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бўшқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-546

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2174 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 02:00